


ТАСДИҚЛАЙМАН

Ўзбекистон Республикаси Сув
хўжалиги вазирлиги хузуридаги
Жамоатчилик кенгаши раиси

 Л.Мухаммадназаров

2024 йил 27 май

Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги хузуридаги Жамоатчилик кенгаши йиғилиш

БАЁНИ

Тошкент шаҳри

№ 2

2024 йил 24 май

Йиғилишга раислик қилди: Лутфулла Мухаммадназаров, *Кенгаш раиси*

Иштирок этдилар: Шухрат Суюнов- *Кенгаш раиси ўринбосари*

Жамоатчилик кенгаши аъзолари (рўйхат
бўйича);

Коррупцияга қарши курашиш ва комплаенс
назорат бўлими бош мутахассиси
Ш.Кулимбетов,

Сув хўжалиги вазирининг ёшлар масалалари
бўйича маслаҳатчиси, ёшлар етакчиси
С.Хикматов.

КУНТАРТИБИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлиги тизимида
коррупцияга қарши курашиш чора-тадбирларини муҳокама қилиш.

2. Вазирлик тизимидаги коллежлар фаолиятини ўрганиш,
муаммоларини ҳал этиш бўйича “йўл харитаси” ишлаб чиқишга
кўмаклашиш.

Йиғилишни Жамоатчилик кенгаши раиси Л.Мухаммадназаров кириш
сўз билан очди.

Жорий йил 1 майдан 24 майгача Сув хўжалиги вазирлигининг расмий
канали орқали ижтимоий сўров ўтказилди (<https://t.me/TGminwater/23468>).

“Сув хўжалиги вазирлиги ва унинг тизим ташкилотлари

ишларни етарли даражада деб ҳисоблайсизми?” мавзусидаги онлайн сўровда 366 нафар респондент овоз берди.

Улардан 31 фоизи “Ҳа, етарли даражада” деган жавобни белгилаган.

28 фоизи “Йўқ, етарли эмас” жавобини берган бўлса, 9 фоизи коррупция мутлақо йўқ, деб ҳисоблайди. Респондентларнинг 13 фоизи ушбу саволга жавоб беришга қийналишини айтган.

Натижалардан келиб чиқиб сўров иштирокчиларининг катта қисми Сув хўжалиги вазирлиги ва унинг тизим ташкилотлари томонидан коррупцияга қарши курашиш бўйича олиб борилаётган ишларни етарли даражада деб ҳисоблайди, деган хулосага келинган.

Бироқ, сўров иштирокчиларининг 28 фоизи Сув хўжалиги вазирлиги ва унинг тизим ташкилотлари томонидан коррупцияга қарши курашиш бўйича олиб борилаётган ишлар етарли даражада эмас деб овоз берганлигини ҳам эътиборга олиш керак.

Ушбу қатламдагилар учун коррупцияга қарши курашиш бўйича тизимда олиб борилаётган ишларни ёритиб бериш, тарғибот-ташвиқот ишларини кучайтириш зарур.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 27 ноябрда қабул қилинган ПФ-200-сонли Фармонида мувофиқ тасдиқланган коррупцияга қарши курашиш бўйича 2023-2024 йилларга мўлжалланган давлат дастурида белгиланган вазифаларни Сув хўжалиги вазирлигида ижросини таъминлаш бўйича “йўл харитаси” тасдиқланган.

Йиғилишда ушбу “йўл харитаси”да белгиланган вазифалар ўз муддатларида бажарилмаётгани танқидий кўриб чиқилди.

Ижтимоий тармоқларда Сув хўжалиги вазирлигига қарашли Қамаш и сув хўжалиги ва мелиорация коллежида ипак қурти боқилаётгани ҳақида материаллар эълон қилинди.

2024 йил 20 май куни вазирлик жамоатчилик кенгаши раиси ўринбосари Ш.Суюнов бошчилигидаги ишчи гуруҳ Қашқадарё вилояти Қамаш тумани Баландчайла қишлоғида жойлашган сув хўжалиги ва мелиорация коллежига бориб, ҳолатни ўрганган.

Ҳақиқатдан ҳам коллеж ўқув биносининг 2-корпусидаги ҳозирда ойдаланилмай турган 6 та хонада ипак қурти боқилаётгани маълум бўлган.

Коллеж ёрдамчи тажриба хўжалигининг қишлоқ хўжалиги экинларини экишга мўлжалланган 25,8 гектар ер майдони бўлиб, асосан, пахта ва галла етиштирилади. Ишлаб топилган даромад коллежнинг ривожлантириш жамғармасига йўналтирилади. Ушбу ер ҳисобидан туман ҳокимлиги боқиш учун 4 қути ипак қурти берган.

Ишчи гуруҳ коллеж раҳбарияти билан муҳокама ўтказиб, таълим муассасасида ипак қурти боқиш мумкин эмаслигини тушунтирган.

Мазкур ҳолатга вазирлик сайти орқали расмий муносабат билдирилган:
<https://gov.uz/uz/suvchi/news/view/12321/>

Сув хўжалиги вазирлиги тизимида 9 та сув хўжалиги ва мелиорация коллежи мавжуд бўлиб, йиғилишда кенгаш аъзолари вилоятларга борганида барча коллежларни ўрганиб, муаммоларини аниқлаш, уларни бартараф этиш юзасидан раҳбариятга таклифлар бериш зарурлиги таъкидланди.

Вазирлик ёшлар етакчиси Сардор Ҳикматов билан биргаликда тизимдаги коллежлар фаолиятида аниқланган муаммоларни бартараф этиш бўйича “йўл харитаси” ишлаб чиқишда иштирок этиш зарурлиги айтиб ўтилди.

Кенгаш аъзолари Х.Лапасов, Р.Шаропов, Т.Долиев, М.Икромов, Коррупцияга қарши курашиш ва комплаенс назорат бўлими бош мутахассиси Ш.Кулимуҳаммадов, Сув хўжалиги вазирининг ёшлар масалалари бўйича маслаҳатчиси, ёшлар етакчиси С.Ҳикматов сўзга чиқиб, ўз таклифларини билдирдилар.

Йиғилиш қарор қилди:

1. Коррупцияга қарши курашиш бўйича “йўл харитаси”да белгиланган топшириқлар ўз муддатларида ва сифатли бажарилиши жамоатчилик кенгаши аъзолари томонидан назоратга олинсин;

Кенгаш раиси ўринбосари Ш.Суюнов ҳар чорак якуни бўйича вазирлик раҳбариятига ҳисобот киритиб борилишини таъминласин.

2. Кенгаш аъзолари вилоятларга сафари чоғида коллежлар фаолияти билан танишишни ўз иш режасига киритсин, ўрганиш натижалари бўйича Жамоатчилик кенгашига ҳисобот берсин.

Кенгаш раиси ўринбосари Ш.Суюнов ўрганиш натижаларини таҳлил қилиб, коллежлар фаолияти ҳақида вазирлик раҳбариятига маълумот киритсин, коллежлар бўйича “йўл харитаси” ишлаб чиқишда Жамоатчилик кенгаши аъзолари томонидан амалий таклифлар берилсин.

Йиғилиш баённомасини

расмийлаштирди:

Кенгаш котиби



У.Эрназарова